

# Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 12-MART, SESHANBA, 31 (8112)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.



**Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига қаратилаётган эътибор натижасида фермер хўжалиқларининг иқтисодий салоҳияти юксалиб бормоқда. Эллиққалъа туманидаги "Ўрнак насл чорва" фермер хўжалиғида ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Бу ерда 40 бош "Ахалтекин" зотли отлар парвариши ҳам йўлга қўйилган...**



**Юртимизда сугурта тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, бугун сугурта фермерлар, тадбиркорларни турли табиий қалтисликлар, эҳтимоллардан ҳимоя қилувчи, фаолияти барқарорлигини таъминловчи ишончли воситага айланди.**



**Ўтган 2-3 йил мобайнида Шуманай туманида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг бошида қайта реконструкция қилинган туман тиббиёт бирлашмаси биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари Нукус шаҳридаги 1-сон қурилиш таъмирлаш бошқармаси қурувчилари томонидан амалга оширилди.**

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Фарғона вилояти Учкўприк туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг худудий босқичи бўлиб ўтди. Унда эллиқдан зиёд тадбиркор ва хунармандлар ўз маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизмат турларини тақдим этди.

► Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг интерфаол хизматларини фаоллаштириш ва такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчиларига қўмита сайтыда (www.stat.uz) кенг доирадаги фойдаланувчилар учун олти асосий ва тўртта қўшимча интерфаол хизматлар мавжудлиги маълум қилинди. Улар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг шаклланган макроиқтисодий кўрсаткичлари, корхона ва ташкилотларнинг давлат реестри, давлат ҳисоботлари шакллари ва ташкилотларининг ўз ичига олган.

► Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган бокс бўйича "Буюк Ипак йўли" анъанавий халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси бир жуфт кумуш медални қўлга киритди.

► Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎАФ Фотомухбири, таникли фотожурналист Рустам Шагавнинг "Қасбим — фоторепортёр" деб номланган кўргазмаси ташкил этилди.



## САНЪАТСЕВАР БОЛАЛАР УЧУН БИЛИМ КОШОНАСИ

**Юртимизда болаларнинг ҳар томонлама етук, баркамол вояга етишлари, пухта билим олиб, мукамал касб-хунар эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Айниқса, ёшларни фан, маданият, спорт, мусиқа, санъат ва бошқа соҳалар бўйича иқтидорларини юксалтириш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2008 йилда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлаётир. Яқинда Мирзачўл туманининг санъатсевар ўғил-қизлари ҳам ушбу ғамхўрликдан баҳраманд бўлишди. Қарийб 35 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келаётган мусиқа ва санъат мактаби биноси янгитдан қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган чиройли-мухташам бинога айлантирилди. Бунинг учун туман бюджетидан 1 миллиард 600 миллион сўм маблағ сарфланди.**



— Мусиқа ва санъат мактаби мусиқий билим ва таълим бериш учун барча қулайликларга эгаллиги билангина эмас, балки чиройли-кўркемлик, туманининг марказий майдонидан барпо этилгани билан ҳам туман хўшга хўш кўшиди, — дейди мактаб директори Убайдулла Кўчқоров. — Бугун туманимизга келувчи ҳар бир кишининг нигоҳи, аввало, ушбу мухташам мажмуага тушади ва беихтиёр кўзлари қувнайди. Бу мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари қатори чекка қишлоқ туманларининг меъморий гўзалликларига ҳам эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Мактабимизнинг бундай эътибор тортарлигидан машғулотларга қатнашаётган болалар кўпаймоқда. Ўқув йили бошида 130 нафар ўғил-қизлар сабоқ оларди, ҳозир эса 158 нафарини ташкил этапти. Уларга таҳсил бераётган 17 нафар ўқитувчи-педагогларимизнинг барчаси тажрибали, санъатнинг у ёки бу тури бўйича вилоят ва туманда танилган мутахассислар. Масалан, фортепельно ўқитувчиси Анора Шоимова яхши мутахассис, таникли мусиқа ижодкори ҳам. Торли чолғулар ўқитувчиси Уктам Ҳамзаев яхши соҳанда ва хонанда. Назира Халилова эса тажрибали вокал ижроچиси. Шунинг учун ҳам муассасамизга қатнашаётган болалар аънаваний ижрочилик, торли ва халқ чолғуларини ўрганиш, фортепельно, вокал чолғулари, хореография, тасвирий санъат йўналишларида пухта ва мукамал билим олишяпти. Бу вилоятнинг вилоят ва туман миқёсидаги кўрик-танлов ҳамда ижодий мусобақаларда муваффақиятли катнашиб, нуфузли ўринларни эгаллашда намоён бўлмоқда.

Ҳа, мактаб ўқувчилари олаётган билимларини йил сайин кенг томошабин ва ҳакамлар олдида юқори маҳорат билан намойиш этиб, яхши натижаларга эришишяпти. Буни ўтган йили вилоят ва туманда ташкил этилган "Баҳор маликалари", "Янги авлод — 2012", "Баҳор, ташрифингдан яшнади боғлар", "Наврўзни шарафлаймиз" ва бошқа кўрик-танлов ҳамда ижодий мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаганлари ҳам кўрсатиб турибди. Эндиликда бу каби ютуқлар янада кўпайиб, санъатсевар болалар катта санъат қонақоналари сари дадил борадилар.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

## ЮКСАЛИШ ОДИМАРИ

Самарқанд вилояти

### КЎЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТИНГ

**"Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллигига — 22 туп кўчат" шiori остида ҳар бир маҳалла, хонадон ва йўл четларига мевали ва манзарали дарахт кўчати экиш бўйича ташкил этилган ташаббус кенг қанот ёйди.**



Шу кунларда вилоятнинг барча маҳаллалари, корхона-ташкilot ва илм даргоҳларида кўчат экиш, боғ яратиш ишлари қизғин бормоқда. Бунинг учун вилоятдаги марказий ўрмон хўжалиги тасарруфидидаги барча туман ва шаҳар ўрмон хўжалиги бўлиmlлари, ишлаб чиқариш участкаларида 4,2 миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар тайёрлаб қўйилди. Ўрмон хўжалигининг 400 дан зиёд ходимлари жойларда экилган ва экилажак ҳар бир кўчатнинг униб-ўсиши, барпо этилган гулзор ва боғ-роғларнинг келажақда тўла парвариш қилинишини ўз назоратларига олишмоқда. Вилоятнинг Жомбой, Тайлоқ, Оқдарё, Пастдарғом, Каттакўрғон, Нарпай, Иштихон туманларида аҳоли ва корхона-ташкilotлар учун қулай жойларда, шунингдек, марказий ўрмон хўжалигининг Катта Ўзбек тракти йўлига яқин жойида 31 турдаги мевали ва манзарали кўчатлар савдоси йўлга қўйилган.

Ақбар ҚАРШИЕВ

Навоуӣ вилояти

## «ҚИЗИЛҚУМ САХОВАТИ» НЕЪМАТЛАРИ ЭКСПОРТГА

**Мамлакатимизда хорижлик сармоядорлар иштирокида ташкил этилаётган йирик ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес субъектлари сони йил сайин ошиб борапти. Улардан бири Навоуӣ вилоятидаги рақобатбардош ва экспортбоп махсулот ишлаб чиқарётган «Қизилқум саховати» масъулияти чекланган жамиятидир.**

709 минг АҚШ доллари миқдоридидаги хорижий инвестиция ҳисобидан ташкил этилган мазкур корхонада тайёрланган ўрик, помидор, олхўри, олма шарбати ҳамда булғор қалампир қайласи экспортга чиқарилмоқда. Жамиятда 2011 йилда экспорт миқдори 418 минг АҚШ доллари ошган. 2012 йилда эса бу кўрсаткич қарийб 425 минг АҚШ доллари етди. 25 нафар киши меҳнат қилаётган корхона Италиянинг "Бертуси" фирмаси замонавий технологиялари билан жиҳозланган. Шу боис, бу ерда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати яхшиланиб, ҳажми ортиб бормоқда.

Абдураҳул САТТОРОВ

Тошкент вилояти

## ИНВЕСТИЦИЯ ЯРАТАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

**Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, корхонанинг электрда пўлат эритиш цехида узлуксиз пўлат қуйиш, пўлатга комплекс ишлов бериш қурилмаларини реконструкция қилишга киришилди. Мазкур жараёнда металл қуйиш тўлиқ автоматлаштирилди. Ялпи қиймати 9,48 миллион доллари янги инвестицион лойиҳани амалга оширишни жорий йилнинг июнь ойигача тугаллаш режалаштирилган. Шунингдек, яқин кунларда иккинчи муҳим лойиҳа — металлга вакуум остида ишлов бериш қурилмасини ўрнатишга киришиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун 19 миллион АҚШ доллари тенг миқдорда инвестиция киритилди. Бундай кенг кўламли модернизация ишларидан сўнг мазкур цехнинг ўзида ишлаб чиқариш бўйича йиллик қувватини 370 минг тоннадан 850 минг тоннага етказиш имконияти яратилади.

Иброҳим ТОШЕВ

## ГАЛЛАЧИЛИКДА ҲОСИЛНИ ТЎПЛАШ ВА САҚЛАШ ЗАРБДОР ТЎҚСОН КУНЛИГИ

Анқиқон вилояти

**Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида қишлоқ мулкдорлигига яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар боис аграр соҳада йил сайин янгидан-янги ютуқлар кўзга ташланмоқда. Махсулот етиштиришда юқори сифат ва самарадорликка эришилмоқда.**

### ҲОСИЛ КЎПАЙСА, ДАРОМАД ҲАМ ОРТАДИ

Бугунги кунда фермер хўжалигимизга тегишли умумий майдон 230 гектардан иборат бўлиб, мавжуд экин ерларидан мунтазам равишда юқори ҳосил олиш мақсадида астойдил меҳнат қилинмоқда. Ҳозирда жорий йил галла ҳосили учун 100 гектар майдонда бугдўйнинг тезпишар ва ҳосилдор "Чиллаки" нави парваришляяпмиз. Экин ривожини уйлаб февраль ойининг иккинчи ўн кунлигиде далага минерал ўғит бердик. Ҳар бир гектар ерни нозратсиз қолдирмаслик мақсадида масъуллар бириктирдик. Ҳозиргача экин майдонларига бир марта суспензия сепилди. Далага гектар бошига 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилган. Махсус хандақ ва ўралар тайёр ҳолга келтирилган. Иккинчи сугоришни эса "шарбат" усулида амалга оширяпмиз. Сифатли олиб борилаётган агротехник тадбирлар боис ишлар кўнглидагидек кетяпти. Айни кунда ҳар бир майса 6-8, баъзилари эса 10 донагача туплаган. Суспензиянинг ўз вақтида берилгани майсаларни

турли бегона ўтлар ва зараркундалардан асрашда муҳим омил бўлаётир. Фермер хўжалигимизнинг моддий-техник юмушларни амалга ошириш учун зарур бўлган трактор, "ОВХ" ва бошқа агрегатларимиз доимий ишчи ҳолатида. Хўжалигимиз аъзолари ҳар йили меҳнатига яраша ҳақ олишяпти. Утган йили аъзоларимизга 1-1,5 тоннадан дон бериб, рағбатлантирганмиз. Жорий йилда ҳам ҳосилдорлик қанча юқори бўлса, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги шунча ортади. Шу боис, ҳар бир аъзо ерга меҳр бериб ишлашга, ҳосилдорлик ва даромад чўғини тобора оширишга ҳаракат қилаётир. Насиб этса, бу йил ҳам галлачиликда қутилган натижага эришиб, эл-юрт олдида мавсумни ёруғ юз билан яқунлаш, эл хирмонига муносиб улуш қўлиш ниятидими.

**Улуғбек ОХУНОВ,**  
Избоскан туманидаги "Чўнг богич элита" фермер хўжалиги раҳбари.

Сурғарё вилояти

## ДОННИНГ МЎЛЛИГИ — ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

**Ҳозиргидек тўкинчилик, фаровон кунларни кишилар доимо орзу қилиб яшашган. Фаровонликнинг бир белгиси нон ҳисобланади. Бугун дастурхонларимизни беэаб турган ширмой нону папирларга қараб кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Тўй-маъракалардаги тўкинлик эса турмушимиз ободлигини намоён этади. Шундай кунларга етказгани учун Яратганга беадад шукроналар айтсак арзийди.**

Истиклол йилларида Президентимиз раҳбарлигида галла мустақиллигига эришидик. Ҳар йили хирмонларимиз юксак бўлиб, омборларимиз донга тўляпти, дастурхонларимиздан барака узилмаётир. Қишлоқ хўжалиги, чуночини, галлачиликда эришилаётган ютуқлар мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтирибгина қолмай, эл маъмуричилигини таъминлаб, турмушимизни бундан-да обод этаётир. Баҳор кунларига чиққанимизга ҳаммамиз шукрона айтдик. Аллоҳдан яхшиликлар, мўл ҳосил сўраб илтижо қилдик. Яратганга минг шукрим, ниятимизга яраша юртимиз табиати бизни доимо сийлаб

келаяпти. Энди ҳамма нарса ўз қўлимизда. Ҳаракатда баракат, дейишяпти. Демак, бугун барчамиз ана шу мўл ҳосил учун ҳаракат қилмоғимиз, экин парваришига эътибор қаратмоғимиз лозим. Мутахассислар эътирофича, айни вақтда майсалар ривожини тезлаштириш, кўзда тутилганидан ҳам мўл ҳосил етиштириш галла парваришини, уни озиклантиришни сифатли амалга оширишни такозо этмоқда. Ҳар бир юмушни адо этишда кўп йиллик тажрибага эга бўлган деҳқонларга таяниш, уларнинг тавсия ва маслаҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Долзарб маса-



лаларни ҳал этишда қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари фаолларининг ҳиссаси аник сезилиб турса, айни муддао бўлади. Галлачиликни ривожлантириш борасидаги улкан вазифалар ҳаммамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, доннинг донаси ҳам дон. Дон сероб бўлса, дастурхонларимиздан кут-барака аримайди, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлади.

**Раҳмонали АЗИМОВ,**  
Сардоба туманидаги "Хўжа Исмомил" жоме масжиди имом-хатиби.

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилётгани боис, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми фермерлар улушига тўғри келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Агар фермер бой бўлса — мамлакат бой бўлади», деган ибораси кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда.

**Сарсенбой СЕЙТНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Фермерлар кенгашининг раиси.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш орқали фермерларнинг ролинини ошириш, фермер хўжаликларида ўзини-ўзи бошқаришнинг таъсирчан ва такомиллашган механизмни яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Фармонда фермерларнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида такомиллашган янги агротехноло-

гияларни жорий этиш, етиштирилган маҳсулотларни жойларнинг ўзида қайта ишлаш ва фермер хўжаликлари кўп тармоқли хўжаликка айлантириш устувор вазифа қилиб белгиланди.

Фармонга асосан Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида Фермерлар кенгашлари ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади. Уларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Фермерлар кенгашлари хизмат хоналари, мебель жиҳозлари ва компьютерлар билан таъминланмоқда. Ташкил этилган кенгаш аъзолари фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни кредит маблағлари, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар билан узлуксиз таъминлаш, давлат ва хўжалик органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан тузилган шартномаларнинг бажарилишини таъминлашда яқиндан мададкор бўлади.

Оролбўйида бугунги кунда 3359 та



фермер хўжалиги фаолият олиб бориб, улардан 2639 таси пахта ва галлачилик, 307 таси чорвачилик, 153 таси сабзавот ва полизчилик, 144 таси боғ-узумчилик, қолганлари бошқа соҳалар билан шуғулланиб келмоқда. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган ютуқларда Қорақалпоғистон Республикасининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, ўтган йили пахта етиштириш бўйича шартномавий режалар мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажаришда фермерларимиз астойдил меҳнат қилди. Жумладан, қорақалпоғистонлик фермерлар 94 минг 700 гектар майдондан 215 минг тоннадан ортиқ хомашё олишга эришди. 90 га

яқин фермерлар ҳар бир гектар ҳосилдорлигини 40-45 центнерга етказишди. Сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермерларимизнинг лизинг асосида замонавий техникалар ва имтиёзли кредитлар билан таъминланиши қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилдорликнинг ошишига замин бўлмоқда. Бугунги кунда фермерларимиз хомашё етиштириш билан чекланиб қолмасдан, уни қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Нукус туманидаги «Қўнғиротбой-Меҳри», Қўнғирот туманидаги «Тўртқора саксан», Амударё туманидаги «Ергулобод» ва бошқа чорвачи-

ликка ихтисослашган бир қатор фермер хўжаликларида сутни қайта ишлаш цехлари ташкил этилди. Илгор фермерларимиз Польша, Россия, Германия, Хитой, Малайзия каби давлатларда бўлиб, тажриба алмашиб қайтмоқда. Пахта, галла, чорвачилик маҳсулотлари билан бир қаторда паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби соҳалар ҳам жадал ривожланмоқда. Бу халқимиз дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

«Бугунги кунда фермерлик ҳаракати ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўлишига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Кун сайин мустаҳкамланиб, халқилуви кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла ҳақлади», — дея алоҳида таъкидлади Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида. Қишлоқ мулкдорлари ўзларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини комплекс қайта ишлаш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этишга йўналиштирилган ҳамхўрликдан фойдаланиш, халқимизнинг обод турмушини таъминлаш йўлида жорий йилда ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар.

## БАЛИҚЧИЛИК

Оролбўйи азалдан мазали баликлари билан ном қозонган. Лекин ҳудуддаги мураккаб экологик вазият, сув танқислиги балиқчилик соҳасида ҳам қатор муаммоларни юзага келтирди. Натижада кўплаб балиқ турлари йўқ бўлиб кетди. Сўнгги йилларда балиқчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар эса ўз самарасини бермоқда.

## ЧАВОҚЛАР БОҚИЛИБ, БАЛИҚ КўПАЯР



Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2012 йилда республикада балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури» га мувофиқ, балиқчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари катта имкониятлар берилиб, банклар томонидан кредитлар ажратилмоқда. Соҳага ихтисослашган фермер хўжаликлари сони ортиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан балиқчиликни ривожлантириш бўйича семинарлар ташкил этилиб, ўзаро тажрибалар ўрганилмоқда.

Туманимиздаги Наврўз қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 2009 йили балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этдик. Ўтган йили сунъий ҳавзалардан 5 тонна балиқ овланиб, деҳқон бозорига, мактабга таълим муассасаларига, овуқатланиш шохобчаларига етказиб берилди. 2010 йили «Агробанк» нинг туман бўлимидан олинган 8 миллион 400 минг сўм кредит эвазига янги инкубация цехини ташкил этдик. Айни кунда бу инкубацияда 15 минг дона бир йиллик балиқ чавоқлари парваришланмоқда. Келгусида балиқ чавоқларини 200-300 минг донага етказамиз.

Балиқчиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ, яқин кунларда банкдан яна 10 миллион сўм кредит олмақчимиз. Айни кунда тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда. Унинг эвазига балиқлар учун омихта ем олашимиз, балиқни қайта ишлаш цехи ташкил этишимиз. Албатта, бу режаларимиз халқимиз дастурхонини Оролбўйининг мазали балиқ маҳсулотлари билан таъминлашга, балиқ турларини кўпайтиришга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

**Қаҳрамон САРСЕНБОВЕВ,**  
Қонлиқўл туманидаги  
«Азиз-Жасур-Бобур» фермер  
хўжалиги раҳбари.

## ИЗЛАНИШ

Қулай об-ҳаво шароити, яратилган кенг имкониятлар, фермер хўжалигимиз аъзоларининг ҳамжиҳатлигидаги меҳнатлари эвазига 2012 йил 320 тонна пахта, 160 тонна галла етиштириб, шартномавий режани бажардик. Айни кунда галла экилган 80 гектар майдонни маҳаллий ўғит билан озиклантириш, шу билан бирга, техникаларни таъмирлаш ишлари қизгин олиб борилмоқда.



## ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

## ОРТТИРИЛСА ТАЖРИБА, ИШДА БУЛАР НАТИЖА

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони биз фермерларга яратилаётган ҳамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мамлакатимизда фермерлар ҳар тарафлама қўллаб-қувватланмоқда. Ажратилаётган банк кредитлари, лизинг хизматлари, экспорт ва инвестиция учун берилаётган ёрдамлар фермер хўжаликлари иқтисодий салоҳиятининг мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда.

2005 йилда Исроиил, 2009 йилда Польша мамлакатларига бориб тажриба орттириб қайтганлигимиз чорвачиликни, наслчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалигимизни ривожлантиришда ўзининг самарасини берди. Польшадан 130 бош зотли мол олиб келиниб, иқлим шароитимизга мослаштирилди ва кейинги уч йил мобайнида 240 бош зотли қорамол етиштирилиб, аҳолига ва фермер хўжаликларига сотилди. Бугунги кунда фермер хўжалигимизда 300 бошдан зиёд зотли моллар ва 40 бош «Ахалтекин» зотли отлар боқилмоқда. Ўтган йилнинг охирида «Само тулпор-

лари» мини от заводини ҳам ташкил этдик. Айни пайтда бир кеча-кундузда 1 тонна сутни қайта ишлайдиган цех қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Сирасини айтганда, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фермерларга берилаётган катта имкониятлар туфайли хўжалигимиз йил сайин ривожланиб бораётган. Бундан қалбимиз гурурга тўлиб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилмоқда.

**Шамшаддин ФАХРУДИНОВ,**  
Элликқалъа туманидаги  
«Ўрнак насл чорвар» фермер  
хўжалиги раҳбари.



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат.

## АМУДАРЁЛИК ОҒА-ИНИ ФЕРМЕРЛАР

УЛАРГА БАНКЛАР МАДАДКОР

Амударё туманидаги «Амударё соҳили», «Тўлқинли Исмоил чорвадор» фермер хўжаликлари ва «Аму Тўлқин балиғи» масъулияти чекланган жамиятига ака-ука фермерлар Шухрат, Исом ва Қудрат Маткаримовлар раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шухрат Маткаримов раҳбарлик қилаётган «Тўлқинли Исмоил чорвадор» фермер хўжалиги асосан чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, 2010 йили ташкил этилган. Ўтган йили фермер «Ипотека банк»дан 150 миллион сўм кредит олиб, бўрдоқига боқичи учун 120 бош қорамол олиб келди.

«Амударё соҳили» фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган Исом Маткаримов ҳам «Микрокредитбанк» нинг Манғит филиалидан олинган кредит эвазига замонавий чорвачилик комплексини барпо этди. Қурилиш ишлари Голландиянинг «Ван Дер Плу» компанияси билан тузил-



ган шартнома асосида олиб берилди. Янги чорвачилик комплексининг ишга туширилиши билан Польша мамлакатидан 110 бош насли қорамол олиб келинди. Улардан бугунги кунга 40 бош насли бузоқлар олинди.

2011 йили Тўлқин овул фуқаролар йиғини ҳудудда Қудрат Маткаримов раҳбарлигида балиқчиликка ихтисослашган «Аму Тўлқин балиғи» масъулияти чек-

ланган жамиятни ташкил этилди. «Микрокредитбанк»нинг Манғит филиалидан олинган 25 миллион сўмлик кредит эвазига 2011 йили 1 миллион дона, ўтган йили 2 миллион дона балиқ личинкалари етиштирилди. Айни кунда ҳар бирининг майдони 1 гектар бўлган 5 та сунъий ҳовуз ташкил этилиб, балиқлар ушбу ҳовузуларда парваришланмоқда.

**Д.ЕСЕМУРАТОВ**

Мамлакатимизда фермерларга берилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг жорий этилиши кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда. Фермер хўжалигимизда пахтачилик, галлачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йили 90 гектар майдондан чигит экиб, режадаги 187,8 тонна ўрнига 368 тонна пахта топширдик.



## ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ КЕНГ — ЮТУҚЛАРИМИЗ САЛМОҚЛИ

Жорий йил ҳосили учун экилган 55 гектар майдондаги галла агротехник тадбирлар асосида парваришланмоқда. Галладан қўшимча 5 центнердан ҳосил олиш учун далалар етарлики ўғит билан таъминланмоқда. Чорвачилик йўналишини оладиган бўлса, фермер хўжалигимизда 67 бош қорамол боқилмоқда.

Шунингдек, махсус устахонамиз ҳам мавжуд бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Йигирмага яқин турли русумдаги техникаларимиз, жумладан, комбайн, ҳайдов, чопиқ тракторлари ва бошқа қишлоқ хўжалик агрегатлари таъмирланиб, мавсумга шай этиб қўйилди. Жорий йилдан бошлаб балиқчиликни ҳам ташкил қилмоқчимиз.

Ҳар йили олинган фойдаимиз ҳисобидан турли хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиб, ҳудудимизда яшовчи аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаёмиз. Хўжайли тумани маркази-

да «Наврўз» тўйхонамиз ишлаб турибди. Бундан ташқари, фотосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Яқин кунларда новвойхонани ҳам ишга туширмақчимиз. Барча хизмат кўрсатиш шохобчаларимизда 62 нафар киши доимий иш билан банд.

Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2011» кўрик-танловида фермерлик йўналиши бўйича иштирок этиб, дастлаб туман босқичида, сўнг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни қўлга киритдик.

Қатор хайрия тадбирларида ҳам иштирок этиб, кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож кишиларга моддий кўмак бериб келмоқдамиз. Бундаги тадбирларни Наврўз — умумхалқ байрами арафасида ҳам давом эттирамиз.

**Айтимбет СОБИРОВ,**  
Хўжайли туманидаги «Собир ота»  
фермер хўжалиги раҳбари.



Ўтган йили чорва молларини қиш мавсумидан беталафот олиб чиқишга пухта тайёргарлик кўрилди. Етарли миқдорда ем-хашак жамғарилиши молларни қишдан беталафот олиб чиқиш имконини берди. Президентимизнинг 2008 йилдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилнинг май ойида Украинадан 20 бош насли моллар олиб келинди. Айни кунда молларнинг наслини яхшилаш, чорвачилик маҳсулотлари турларини кўпайтириш борасида аниқ чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Фермер хўжалигимизда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех ишга тушиш арафасида. Янги цехга Италияда ишлаб чиқарилган ускуналар олиб келинди. Цехда 6 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз.

**Жаҳонгир АДИЛОВ,**  
Тахтақўпир туманидаги  
«Қаҳрамон-Тахта»  
фермер хўжалиги  
раҳбари.



Қорақалпоғистон Республикаси

ТИББИЁТ

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар Шуманай туманида ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Утган 2-3 йил мобайнида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, туман тиббиёт бирлашмаси, поликлиника, бир қатор қишлоқ врачлик пунктлари мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Жорий йилнинг бошида қайта реконструкция қилинган туман тиббиёт бирлашмаси биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари Нукус шаҳридаги 1-сон қурилиш таъмирлаш бошқармаси курувчилари томонидан амалга оширилди.

— Даволаш-профилактика муассасаларининг қайта таъмирланиши ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда, — дейди Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Умид Қурбонбоев. — Обод турмуш йилида қайта реконструкция қилинган туман тиббиёт бирлашмасида беморларга стационар ёрдам кўрсатилса, кўп тармоқли поликлиникада кунига 300 нафар бемор қабул қилинади. Туман тиббиёт бирлашмаси ва унинг тасарруфидоги даволаш-профилактика муассасаларида бугунги кунда 66 нафардан зиёд малакали шифокор ва 500 нафардан зиёд ҳамшира меҳнат қилмоқда. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, беморларга аниқ ташхис қўйиш, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш учун муассасамизда барча шарт-шароитлар мавжуд.

ностика бўлимлари, қишлоқ врачлик пунктлари “Саломатлик-1”, “Саломатлик-2” лойиҳалари, Осий тараққиёт банки, Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумий нархи 263 миллион сўмлик асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бундан ташқари, инвестиция Дастурига мувофиқ, 2010 йилда туман



Шифокор Пароҳат Есимбетов ва ҳамшира Гулнора Алламбергенова.

худоидаги “Шуманай”, “Абдуллаев” қишлоқ врачлик пунктларида 8 миллион сўмлик, 2011 йилда “Дуст-

лик байроғи”, “Мойли ўзақ” қишлоқ врачлик пунктларининг ҳар бирида 10 миллион сўмлик, ўтган йилда “Деҳқонobod” ва “Қорабойли” қишлоқ врачлик пунктларининг ҳар бирида 15 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳолини дори-дармон билан таъминлашда қўлайликлар яратиш мақсадида 7 та қишлоқ врачлик пункти қошида дориҳона филиаллари ташкил этилди.

Сўнгги беш йил мобайнида туман ҳудоида оналар ўлими содир бўлмади, болалар ўлими, сил касаллиги ва ногиронлик кўрсаткичларининг камайишига эришилди. Бу давлатимиз томонидан тиббиёт соҳасида амалга оширилган изчил ислохотларнинг ижобий самара бераётганидан далолатдир.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ, “Qishloq hayoti” мубири.



Лаборантлар Гулнеҳра Қаримова ва Қизилгул Султамуратова.

## «KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES VAKILLARI HAMDA XUSUSIY TADBIRKORLARNI OCHIQ TANLOV SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳокимининг 2013 йил 26 февралдаги 83-сонли қарори ва 2013 йил 27 февралдаги 29-сонли алоқа хатига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси (АГТҚШ) қуриш учун Оққўрғон шаҳри Фуракат кўчаси ҳудоида жойлашган 0,5 га бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 3 250 592 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуот-да эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 12 апрель кунини соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Оққўрғон тумани ҳокимлиги биносидан 2013 йил 15 апрель кунини соат 11:00 да

очилади, 2013 йил 15 апрель кунини соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида тақлиф энг яхши деб эътироф этилган талабгор қилиб деб топилди.

Оққўрғон ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 15 апрелдаги танловда сотилмаган тақдирда, тақдирий танлов савдоси 2013 йил 2, 20 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақдирий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 2 майдаги танлов савдоси учун 1 май кунини соат 18:00, 2013 йил 20 майдаги танлов савдоси учун 17 май кунини соат 18:00 да тўхтатилади.

Тақдирий танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Оққўрғон тумани ҳокимлиги биносидан 2013 йил 2, 20 май кунлари соат 11:00 да очилади, 2013 йил 2, 20 май кунлари соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов қилиб аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ “Ипак йўли” банки Сағбон филиалидаги: МФО 01063, СТИР 201122519, 20208000904920609114 х/рга тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баро-

бари миқдоридоги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тadbirkor сифатида фаолият юритибётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳар Олмазор тумани 1-Қорақамши кўчаси 1-“А” уй. Тел: (8-371) 228-80-26. Лицензия № RR 0001. www.1kms.uz. rieltstavdo@inbox.uz.

## “Tukan 1600” – сомон, хашакни йиғиб, тойловчи механизм (пресс-подборщик)

Тойларнинг узунлигини 0,5 метрдан – 1,3 метргача ўзгартириш мумкинлиги сабабли уларни сақлаш майдони тежалди. Германияда ишлаб чиқарилган ушбу механизм тузилишининг соддалиги ва ишончилиги иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади ва фойдаланишда жуда қўлайдир. Барча механизмлар оптимал тарзда бириктирилганлиги тракторнинг тортиш кучидан унумли фойдаланишга имкон яратди.

Қўлайликлар: тойларни туширувчи мослама ва тойларни ҳисоблагич билан таъминланиши мумкин.



Типи	Ярим тиркамали
Иш унумдорлиги (соатбай) га/соат	10
Трактор кучини саралаш валининг бир дақиқада айланиш сони	540
Энергия харажати, кВт	20...40
Прессловчи камера кесими, метрда	0,37 x 0,46
Тойнинг (номинал) узунлиги, метрда	0,5 - 1,3

### Ем-хашак тайёрлашда қўлланиладиган машиналарнинг тўла мажмуаси

**BERKUT 3200**  
Тиркамали ўроқ машинаси, қамров кенлиги 3,2 м.

**STRIGE 2,1/2,4/2,8**  
Осма ўроқ машинаси, қамров кенлиги 2,1/2,4/2,8 м.

**PELIKAN 1200**  
Ўрамли пресс-подборщик, ўрам диаметри 1,2 м.

**STERN 2000**  
Тиркамали ем-хашак ўрувчи қомбайн, қамров кенлиги 2 м.

**ЯНГИЛИК! KOLIBRI DUO**  
2-роторли, тиркамали хашак, қамров кенлиги (керакалгичча ўзгартирилиши мумкин) 6,8 – 7,6 м.

**FENIX 800**  
Юк сўрувчи ўзимбар машина, юк қўтариш қуввати – 800 кг, ортши баландлиги – 3,5 м, алмаштирилган тovuш ютқичлари бор.

Маълумот учун телефонлар: +7 (863) 255-22-00, 255-20-94 - Россия бўйлаб  
(+99871)150-58-58, 150-59-59, 150-68-68 - Ўзбекистондаги дилер  
www.rostselmash.com, www.sninvest.uz

**ROSTSELMASH**  
Agrotechnics of Professionals

**SN INVEST**  
Маҳсулот сертификатланган

## Фермер хўжаликлари раҳбарлари, иссиқхоналар соҳиблари диққатига!

### «ЕР МАЛҲАМИ» ВА БИОГУМУС – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК МАНБАИ

Пахта, галла, шоли, ни истайсизми? сабзавот, картошка, Унда биологик соф мева, узум, полиз экинлари ўғит – “Ер малҳами” ва ҳосилдорлигини биогумусдан фойдаланинг. 20-25 фоз оширишни хоҳлайсизми? “Ер малҳами” ва биогумусни Хоразм вилоятидаги “Биокам” ишлаб чиқариб, экологик тоза ва юқори ҳосил олиш-риш корхонаси етказиб беришга тайёр.

Манзил: Урганч шаҳри Саноятчилар кўчаси 12-уй.  
Тел: (+998-91) 432-82-40; (+998-91) 435-28-80.  
Корхонанинг Тошкентдаги вакиллари телефонлари: (+998-91) 433-64-40, (+998-90) 187-61-63, E-mail: malham@inbox.ru

ЧФ “MEZON-IMAN” (ИНН 201523126), зарегирированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 17248 от 30.11.1995 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент М.Торез ТТЗ-2, ликвидировано (протокол № 1 от 11.03.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

ИП ООО “SHAEI TEKSTIL”, сообщает об уменьшении уставного фонда от 200 000,0 долларов США на 171 432,50 долларов США. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. Ф.Гулом д. 5.

ООО “EXPRESS FINANCE GROUP”, зарегирированное в Шайхантахурском р-не г. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда до 100,0 млн. сум, на основании решения участников общества № К-21 от 04.03.2013 г.

ООО “STK INVEST” (ИНН 302298506), Чиланзарского р-на, сообщает об уменьшении уставного фонда с 75 000 000 сум до 50 000 000 сум. А также утеренный угловой штамп общества, считать действительными.

Тошкент ш. Бектемир т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан (10.12.2007 й. реестр № 001095-02) рўйхатга олинган “СOМОНD INTERNATIONAL” МЧЖ (СТИР 302122922) хамият тақдирининг 30.06.2012 й.даги буйруғига асосан тугатилди. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда 919-00-84 телефон рақамида қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (29.12.2012 й. реестр № 00526-01) билан рўйхатдан ўтган “MEVA SABZAVOT AGRO SERVICES” МЧЖга (ИНН 302449292) тегишли думалук муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Чиланзар тиббиёт коллежи томонидан Эргашев Жаҳовир Икром ўғли номига 2011 й.да берилган КН № 2230074 (рўйхат рақами 54369) сонли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчаси мулк кадастр хизмати” ДУК томонидан “ORIENT MEBEL” ҚК номига 30.05.2011 й.да берилган № 1003030017-сонли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Тошкент ш. ҳудудий бўлими томонидан “RAVON QURILISH” МЧЖга тегишли давлат рақами 01265 KBA NORTH BENZ русумли юк автомашинасига 14.03.2012 й.дан 13.03.2013 й.гача берилган АТ № 1085280 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (реестр № 005402-01, 16.10.2012 й.) давлат рўйхатидан ўтган “RETAIL TRADE” МЧЖ (СТИР 302404325), 01.03.2013 й.даги таъсисининг 3-сонли буйруғига асосан тугатилди. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 314-44-25.

Тошкент ш. Юнусовод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан (10.12.2007 й. реестр № 003391-10) рўйхатга олинган “МАХМУД-ИНВЕСТ-PLUS” МЧЖ (СТИР 300639958) устас жамғармаси 502 193 сўмдан 3 500 000 сўмга камайитрилишини маълум қилади. Манзил: Юнусовод т. Марказ-15 Хиббон кўч. 1А-уй. Тел.: 542-60-19.

Тошкент ш. М.Улугбек т. ҳокимининг 30.10.1997 й.даги 1011-ХК-сонли қарори билан рўйхатга олинган “PERUZ VA G'OLIB” ХФнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгартирилиши ва “PERUZ VA G'OLIB” ХФнинг ҳуқуқий вориси эканлиги ҳамда уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан жавоб беришини маълум қилади.

Тошкент ш. Хамза т. ТСРҮИ томонидан (реестр № 002683-07, 25.01.2010 й.) рўйхатга олинган “SHOKIR ISHONCHLI SERVICES” ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгартирилиши ва “SHOKIR ISHONCHLI SERVICES” ХКнинг ҳуқуқий вориси эканлиги ҳамда уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан жавоб беришини маълум қилади.

ДП “SANAT SAVDO QURILISH” (ИНН 203346795), зарегирированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 003032-04 от 2.02.2006 г.), расположенное по адресу: ул. Сайрам 5 проезд д. 15, ликвидировано (приказ № 17 от 11.03.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утеренный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Юнусбадский р-н Ц-5 д. 1а кв-ра 123, выданный Юнусбадским БТИ на имя Саидова Умида Мирхосиновича и договор купли-продажи за № 6/1197 от 15.05.2002 г., считать действительными.

Утеренный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н Чиланзар-25 кв-д. 2 кв-ра 87, выданный кадастровой службой Учтепинского р-на на имя Сафулинова Фаузада, считать действительными.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси “Мева-чилик, сабзавотчилик ва узумчилик” кафедраси доценти Бахтиёр Фуломовга волидаи мухтарамаси **МАХФУЗА** аянинг вafоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

**АГРОМАШ**

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

**BT-150, BT-100 ВА DT-175**  
РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ  
УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА  
ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;  
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru  
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-9
- Асфальтотез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” ГМТЗ-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам
- Шины различных моделей

маҳсулот сертификатланган  
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

<p><b>Бош муҳаррир:</b> Чори ЛАТИПОВ</p>	<p><b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрноат комплекси таркибидоги ҳамда шу тармоқда дaлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Зафар РҮЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдиҳаёб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРDOV (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероф ФУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2030-7023</p> <p>7 7 2 0 3 0 7 0 2 0 0 7</p>	<p>Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иجتимойий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.</p> <p>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.</p>	<p><b>Реклама ва эълонлар</b> — 236-58-83, 233-28-04.</p> <p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: Ш.Йўлдошев Мусаҳожи: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА</p>
--	---	--	---	---	--	---